

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 177 (10.230)

2004 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРЬ

## ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 12 сентябрь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди

**XXI саҳоси**  
Барча маълумларда  
олинган сўнги хабарлар

Чехия Республикаси Шарқий Европа мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг қўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий илохотларни амалга оширган, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича ўз минтақасида етакчи ўрин эгаллаб турган давлатдир.

Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан бирдек манфаатдор, ҳамкорликни кенгайтириш борасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилган. Халқаро муаммоларга нисбатан қарашларимиз ҳам муштарак.

Президент Вацлав Клауснинг ташрифи - Чехия давлат раҳбарининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи.

13 сентябрь куни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарофига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Вацлав Клаус шохсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари ангради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдилан ўтдилар.

Яккама-якка сўхбат чоғида Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳолини тахлил этиб, истиқболларини муҳокама қилдилар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ушбу ташриф икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа эканлиги қайд этилди. Олий даражадаги Ўзбекистон-Чехия мулоқоти ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши таъкидланди.

Президент Ислом Каримов қайд этганидек, Ўзбекистон учун Чехия билан сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳалардаги алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Чехияни ишончли шерик деб билади ва унинг минтақасидаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларини рўйбга чиқариш учун бу давлатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чехия ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ўзининг ишончли ҳамкори ҳисоблайди. Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Чехия Ўзбекистоннинг минтақادا интеграцияни ривожлантириш, хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги сайҳаракатларини юқори баҳолайди.

Мамлакатларимиз Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг фаолиятига, террорчилик ва диний экстремизмга, ноқонуний мухожирлик ва қурол-яроқ савдосига, уюшган жиноятчилик ва наркотиқсизликка қарши курашда ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом этди. Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ижтимоий соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга оид масалалар асосий ўрин эгаллади.

2004 йилнинг 1 майдан - Чехия Европа Иттифоқига қўшилганидан кейин 1993 йилда имзоланган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ўз кучини йўқотди. Шу муносабат билан томонлар иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик бўйича янги битимни ишлаб чиқди ва у 2004 йил 28 июни кунини имзоланди. Бу ҳужжатга

мувофиқ икки мамлакат ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Иқтисодий муносабатларимиз Президент Ислом Каримовнинг 1997 йилнинг январда Чехияга расмий ташрифи чоғида имзоланган сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаруви муассасалар ва миллий банкларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги қатор муҳим ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда чехиялик ишбилармонлар сармояси иштирокида тузилган 30 корхона мавжуд. Улар халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, дори-дармон ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Чехиянинг «Эриэлл Корпорэшн», «Марц ЦЗ», «Томас Прага», «ЧКД Нове Энерго», «Айвэкс-СР», «Ясон Трэвел», «Янцен» каби компаниялари рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Чехиянинг «Чешка Спортелна», «Инвестици на постовни банк», «Комерчни банк», «Чек экспорт банк» каби банклари билан алоқа ўрнатган. «Асака» банки «Обходни банк» билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ва Чехия савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорлик ишбилармонлар кенгроқ фаолият кўрсатишига хизмат қилмоқда.

Булардан ташқари сайёҳлик, сугурта, фармацевтика, нефт-газ, кимё саноати корхоналари яқиндан ҳамкорлик қиляпти. Ўзбекистонга Чехиянинг трамвай ва троллейбуслари келтирилмоқда. «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биравласи» давлат акциядорлик жамияти билан Чехия мудоффа вазири ўртасида ҳарбий-транспорт самолётларини етказиб бериш борасида музокара олиб борилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон-Чехия ҳамкорлигида 16 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ҳамкорлик қўламини кенг. Лекин музокараларда мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжудлигига қарамай, ўзаро савдо ҳамми томонларни қониқтирадиган даражада эмаслиги таъкидланди. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йилги 39,4 миллион, жорий йилнинг январь июни ойларида эса 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Чехияга асосан пахта таласи, матолар, айрим рангли металлари сотади, Чехиядан эса ускуналар, резина буюмлар ва дори-дармон олади. Ишбилармонлар янада фаолроқ ишласа, ҳамкорликни кучайтирса, бу рўйхатни анча кенгайтириш мумкин бўлур эди. Бунинг учун имкониятлар мавжуд.

Бинобарин, Ўзбекистонда Чехия маҳсулотларига, Чехияда Ўзбекистон маҳсулотларига талаб ва эhtiёж бор. Икки мамлакат иқтисодиётида бир-бирига тўғри келмайдиган тармоқлар даярили йўқ, аксинча, қўпгина соҳаларда улар бир-бирини тўлдиралади.

Президент Ислом Каримовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Чехия ишбилармонларини бир-бирига таништиришнинг ҳолати йўқ. Мамлакатимизда «Татра», «Шкода» каби компанияларни яқин танишди. Икки томонлама манфаатли соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш учун янада кенгроқ қўлайлик яратиш керак. Ўзбекистон бу йўналишда ҳам ҳамкорликка тайёр.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

қайта ишлаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатидаги ҳамкорлик истиқболли. Лекин ишга солинмаган имкониятлар ҳам кўп. Масалан, Чехия Ўзбекистон пахтасини учинчи давлат орқали сотиб олади. Мевалар ва полиз экинларини қайта ишлаш борасидаги алоқалар ҳам талаб даражасида эмас.

Таъкидлаш жоизки, савдо-иқтисодий муносабатлар хусусида икки томон ҳамфикр. Президент Вацлав Клаус Чехия ишбилармонларининг катта делегацияси билан келганининг боиси ҳам шунда.

Ижтимоий-маданий ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг ёш истеъодлари 1994 йилдан буйён Чехиянинг Лидица шаҳрида ўтадиган анъанавий Жаҳон болалар ижодиёти кўргазмасида қатнашиб келади. Чехия ҳукумати Ўзбекистон талаба ва тадқиқотчилар учун ҳар йили грантлар ажратмоқда. Фанлар академиялари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазириликларининг илмий муассасалари ўртасида материалшунослик, тиббиёт, микроэлектроника, ядро физикаси, машинасозлик, фармакология каби соҳаларда яқин ҳамкорлик қарор топан.

Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳам янада кенгайтиришга келишиб олинди. Музокара яқинда Ислом Каримов ва Вацлав Клаус Ўзбекистон ва Чехия Президентларининг қўшма баёнотига имзо чекдилар.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Чехословенска обходни банка А.С.» ўртасида кредит битими имзоланди.

Журналистлар билан учрашувда Ислом Каримов ва Вацлав Клаус музокара натижалари ҳақида сўзлаб, мулоқот ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Муҳокама этилган барча масалалар бўйича фикрлар бир жойдан чиққани қайд этилди. Музокаралар, имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини беришига, яъни ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда янги поғонага кўтарилишига ишонч билдирилди.

Чехия Президенти Вацлав Клаус Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида «Интерконтинентал» Эҳмонхонасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон икки мамлакат ишбилармонларининг анжуманида нутқ сўзлаб, уларни ҳамкорликни янада кенгайтиришга чақирди. Вацлав Клаус Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг талабалари, профессор ва ўқитувчилари билан учрашди. Меҳмон фан-таълим соҳасидаги ҳамкорлик умумий ҳамкорликка муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Чехия Президентига Миллий университетнинг Фахрий доктори унвони берилди. Олий мартабали меҳмон Хотира ва қадрлаш майдонидаги «Мотамсаро она» хайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихи давлат музейини зиёрат қилди. Узок ўтмишимизга, маданий-маънавий меросимиз ниҳоятда бой ва қадимий эканлиги алоҳида эътибор қаратди. Яқин тарихимиз - мустақилликнинг қўлга киритилиши, истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар билан танишар экан, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик илохотларга юксак баҳо берди.

Чехия Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОВЕВ,  
Ўза МУБОБИРИ

### Мамлакатимизда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва металлнинг юқори ликвидли турларини сотишининг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика мол хом ашё биржаси акционерлик жамияти томонидан жойларда ёниги маҳсулотларни савдоси ташкил этилди.

Марказий Осиё давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжаллиги комиссиясининг навбатдаги қирқинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Энг яхши китобхона оила» Республика кўрик-танлови якунланди. Танловда андижонлик Собиржон Курбонов оиласи ғолиб чиқди.

Буй йил Оққўрғон туманидаги «Алимкент» пахта тозалаш очиқ хиссадорлик корхонаси қарийб 20 тонна хом ашё қабул қилиб олади. Корхонада айни дамда мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳосига етказилди.

Риштон туманидаги Воҳим қишлоғида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 21 синфхонага эга 2 қаватли мактабда спорт зали ва ёзги спорт майдончалари бор.

Эликкальалик пахтакорлар Оролбўйида биринчи бўлиб пахта йигим-теримига киришибди.

### Жаҳонда

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Бош котиби Кофи Аннан Ироқда тегишли ҳавфсизлик чораларининг қўрилмаслиги режалаштирилаётган сайловларнинг барбод бўлишига олиб келишини таъкидлади. Аннанинг нуқтаи назарига қўра, хавфсизлик муаммоси фақат сиёсий жараён доирасидаги ҳал этилиши мумкин.

Москва вилоятининг Дмитров районида яқин фурсатда Россияда дастлабки инсон қони компонентлари асосида дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи заводнинг қурилиши бошланади. Бу ерда бир йилда 500 минг литр ҳамдаги плазма қайта ишланади.

«Кассини» космик зонди ёрдамида Сатурн сайёраси атрофида яна бир халқ топиламлиги тўғрисида АҚШнинг аэронавтика ва космосни тадқиқ қилиш бўйича Миллий бошқармаси (НАСА) вакиллари хабар беришди. Музлаган сувнинг улан тўпламидан иборат ушбу халқ Сатурн марказидан 138 минг километр узоқликда жойлашган.

Мутахассислар жаҳонда уяли алоқа абонентлари сони миллиард кишидан ошганлигини ҳисоблаб чиқибди. Улар сони Россияда айниқса тез ўсмоқда. Бу ерда уяли алоқадан ҳозирда 50 миллиондан ортки киши фойдаланмоқда.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*бир кунни*

Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
*сатрларда*

• **МУДОФААГА** кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели туман бўлимида ўтказилган «Оғолик — давр талаби» мавзусидаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

• **ЯККАСАРОЙ** туманида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзандлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Камалак» болалар ташкилотининг туман бўлими ташаббуси билан Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат қилишди.

• **БУГУН** «Ўзбекистон» спорт мажмуасида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан аънанавий Япония маданияти кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Сёриндзи кемпо кураши бўйича мусобақа ташкил этилди.

• **ЎЗБЕКISTON** Киночилар уйида «Ўзбекино» миллий агентлиги ташаббуси билан «Кўзларида сехр бор эди» ҳамда «Муҳаммад Юсуф» деб номланган ҳужжатли фильмларнинг тақдими бўлиб ўтди. «Кўзларида сехр бор эди» ҳужжатли фильми Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўғон Режаметовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса, «Муҳаммад Юсуф» номли фильми томоша қилганлар кўз ўнгига сеvimли шоир сиймоси яна бир бор гавдаланади.

• **МУҚИМИЙ** номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма театри ўзининг 65-мавсумини Хуршид Даврон қаламига мансуб «Бобур соғинчи» спектакли билан бошлади.

• **ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ-Тошкент** меҳмонхонасида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд ва суддан ташқари тизимлари ўртасидаги муносабатлари масаласига бағишланди.

• **ТОШКЕНТ** педиатрия тиббиёт институтида уюштирилган тадбир «Ёшлар терроризм ва экстремизмга қарши» деб номланди.

• **ОСИЁ** тараққиёт банкнинг камқонлик ва йод танқислиги муаммосини бартараф этишга кўмаклашувчи лойиҳаси Дастури доирасида шахримиз ёшлари ҳамда тиббиёт ходимлари иштирокида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ушбу лойиҳанинг тақдими ўтказилди.

• **РЕСПУБЛИКА** Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментиде жиноятлар ва уларнинг олдини олиш мақсадида ходимларнинг малакасини оширишга бағишлаб ўтказилган ўқув машғулотлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Чехия Президентининг рафиқаси Ливия Клаусова 13 сентябрь кунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татяна Каримова ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги «SOS-Болалар маҳалласи»га борди.

**«БОЛАЛАР  
МАҲАЛЛАСИ»  
БИЛАН ТАНИШУВ**

2000 йили Тошкент шаҳрида ўн тўртта оилавий уйдан иборат биринчи «SOS-Болалар маҳалласи» ўз фаолиятини бошлади. Мазкур кичкинтойлар маҳалласи давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилди.

«Болалар маҳалласи»даги хонадонлар ҳаёти билан танишар экан, чехиялик меҳмон болаларнинг яшаши ва таълим-тарбия олиши учун барча шароит муҳайё этилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш масаласи давлат сиёсати

даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди. Болалар учун жаҳон андозалари даражасидаги спорт-соғломлаштириш масканлари, таълим-тарбия муассасалари бунёд этилмоқда.

«Болалар маҳалласи»да уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 90 нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланади. Бундай маҳалланинг афзаллиги шунки, бола оилавий муҳитда, ака-ука, опа-сингиллари қуршовида ўсади.

Урашувда болалар ижросида театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

ЎЗА

**ЯНГИ ТАРИХГА ЯНГИЧА  
ЁНДАШУВЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида «Марказий Осиёнинг энг янги тарихи. Тарихни қайта баҳолаш, замонавий муаммолар ва ёндашувлар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ва Конрад Аденауэр жамғармаси билан биргаликда ташкил этилди.

Конференцияда Марказий Осиё мамлакатлари ва Германиядан олим ҳамда мутахассислар қатнашди.

Анжуман қатнашчилари мазкур минтақа мамлакатларига хос муаммоларни муҳокама қилди, уларни замонавий фан нуқтаи назаридан қайта баҳолаш зарурлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирди ҳамда уларни ҳал қилиш борасида янги ёндашувларни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Олимларнинг чиқишларида Марказий Осиё мамлакатларида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. XX асрнинг тўқсонинчи йилларигача бўлган тарихий меросни ўрганишда янги методологик ёндашувлар фоят муҳим эканлиги қайд этилди. Шу бос минтақа олимлари ҳамкорли-

ги минтақа мамлакатлари энг янги тарихини ўрганишнинг умумий услубитини ишлаганида катта аҳамиятга эга.

Конференция давомида тарих фанининг ривожланиши ва тарихий воқеалар талқинларининг ўзгариши, тарихдаги «оқ доғ»ларни йўқотиш, Марказий Осиё халқлари тарихининг этномаданий жиҳатлари, минтақавий масъулият ва ҳамкорлик каби долзарб мавзулар ҳамда сўнги тарихий тадқиқотлар натижалари ҳам муҳокама қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси ректори А.Азизхўжаев иштирок этди.

ЎЗА



*Ватанга хизмат — муқаддас бурж*

**УНУТИМАС КУН**

Мамлакатимиз Куролли Кучлари сафи йилдан йилга бири-бирдан етук, жисмонан соғлом, ҳарбий техниканинг сир-асрорларини пухта эгаллаган йигитлар билан тўлиб бормоқда. Улар давлатимиз чегараси, халқимиз тинч-осойишта яшаши, эртанги нурафшон кунларимиз дахлсизлигининг посбонлариядир.

Куни кеча Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида нишонланган яна бир шодиёна тўпланганларни тўлқинлантириб юборди.

Юрақларга бир олам гурур ва ифтихор бахш этадиган бу маросимда эҳтиромдан, фахр туйғусидан, ҳаяжондан энтикмай бўладими. Негаки, билим юртининг янги ўқув йилидаги қалдирғочлари халқи, Ватани, Президентини олдида ҳарбий қасамд қабул қилишмоқда.


Ям-яшил ўт билан қопланган майдонда эғнидаги ҳарбий кийим жуда ярашган, қадамлари шахам курсантлар қасамд қабул қилиш учун шай туришибди. Шу топда уларнинг ҳаёлидан нималар ўтмоқда экан?! Эҳтимол, улар орасидан бир кун келиб, Туйчи Эриғитов сингари душман ўқига кўкрак кериб, қахрамонлик намуналарини кўрсатадиган баҳодирлар етишиб чиқар. Энг муҳими уларнинг кўзларида биз ёшлик ёлқинини, мард-

лик, шижоат учқунларини кўрамай.

Фурсатдан фойдаланиб, айрим ота-оналарни суҳбатга тортдик.

**Сайфуддин ЙЎЛДОШЕВ,**  
**Самарқанд вилояти,**  
**Иштихон туманидан:**

— Ўғлим Шухратжон мазкур билим юртига кирганида онаси иккаламиз хурсанд бўлдик. Негаки, мустақил мамлакатимиз кундан кунга жаҳон миқёсида ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб бораётди. Айни шу сурурли кезларда она юртимиз-



нинг обрў-эътиборига гараз ниятда қарайдиганларни йўқ деб бўлмайдими. Шу бос Ватанимиз посбонлари ҳамиша сергак, зийрак, доворак бўлишса нур устига аъло нур албатта.

**Зулфия НУРИЛЛАЕВА,**

**Бухоро вилояти, Қорақўл туманидан:**

— Гапнинг очигини айтсам, раҳматли турмуш ўртоғим ҳарбий эдилар. Ўғлимиз бугун худди даласи сингари ҳарбий бўлиш, юрт осойишталигини ҳимоя қилишга бел боғлаб, ҳарбий қасамд қабул қилмоқда...

Яна нигоҳлар яшил майдон узра қадалади. Қўлларини қасамд матни ёзилган сўзларни бир олам қувонч ва масъулият ҳисси билан ўқийётган курсантларнинг ёрқин чехралари кишида гурур уйғотади.

— Билим юртимиз Истиқлол йилларида ўзининг қадди-бастини яна бир бор тиклади, — дейди взвод командири, катта лейтенант Умид Ботиров. — Жумладан, 1992 йилдан жорий йилга қадар билим юртида 2 мингдан зиёд офицер тайёрланди. Шу йил март-апрель ойларидаги террористик ҳаракатларни бартараф этишда 5 нафар курсантимиз жасорат кўрсатиши ҳамда Мудоффаа вазири-

нинг муқофотларига сазовор бўлдилар. Биз ушбу курсантларимиз билан фахрланамиз.

Қасамд қабул қилиш маросими якунланганидан сўнг, курсантлар томонидан турли ҳарбий жанговар машқ намуналари намойиш этилди. Ҳа, бўлғуси офицерлар ушбу фараҳли кунни бир умр ёлларидан чиқаришмайди, деб ўйлаймиз.

**Хуמוюн АЛИЕВ**  
**СУРАТЛАРДА:** Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган ҳарбий қасамд қабул қилиш тадбиридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.

## Салғат

ЯПОНИЯГА  
ИЖОДИЙ  
САФАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбек академик Катта опера ва балет театри япониялик саҳна ustalари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Бу ижодий алоқа туфайли спектакллар айрибош қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Япон балетмейстерлари саҳналаштирган «Камелия» постановкасининг ўзбек артистлари иштирокида намойиш қилиниши ҳам аниқ муддао бўлди. Бош балетмейстер Иброҳим Юсупов бошчилигидаги балет труппаси кунчиқар мамлакатга қилган гастрол давомида ана шу спектаклда ҳам қатнашди.

Айни вақтда Навоий театри репертуаридан ўрин олган «Оқуш кўли» балети япон томошабинларига тақдим этилади. Яқин орада Япониянинг Тойота шаҳрига қилинадиган ижодий сафар «Оқуш кўли» балети намойиши билан бошланади.

ТОМОШАБИН-  
ЛАРГА МАНЗУР  
ФИЛЬМЛАР

Мамлакатимизда кино санъатини ривожлантиришга истеъдодли кинорежиссёр Баходир Аҳмедов ҳам ўзининг муносиб ижодий ҳиссасини қўшиб келмоқда. Дастлаб кичик фильмларни суратга олиш билан ўз фаолиятини бошлаган бу санъаткорнинг ижодий маҳорати ўсиб борди.

Кейинги йилларнинг ўзида у қатор картиналарни яратишга муваффақ бўлди. «Лафз», «Бог» каби экран асарлари томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

Кино устасининг «Имон» деган янги фильми эса замонавий мавзуда юзага келди.

Яқин кунлар ичида экранларга чиқариладиган бу постановка кўп серияли бўлиб, етти қисмдан иборатдир. Уларнинг ҳар бири 45 дақиқа давомида намойиш қилинади.

Ҳозирда иқтидорли санъаткор яна қатор янги бадиий фильмларни постановка қилишни мақсад қилиб қўйди.

Акбар АЛИЕВ

Мустақиллик йилларида хусусан барча ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда ва Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида туб ўзаришлар содир бўлди. Чунинчи, халқ таълими тизими қайта шаклланди ва изчил ривожланиб бормоқда. Бугунги ўзбек ёшлари нафақат ўз Ватанида, балки, тараққий этган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юрларида билим олиш имкониятига эга. Бунга мисол, ҳозирда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик фаол ривожланиб бормоқда. Бу ҳақда «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири халқаро таълим бўйича Америка кенгашининг (АКСЕЛС) президенти Дэн Дэвидсон билан суҳбатлашди:

— Ўзбекистон ва АКСЕЛС ўртасидаги ҳамкорлик даражасини қайд этишдан жуда мамнунман. Ўн икки йиллик биргаликдаги фаолиятимиз натижасида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг илгарилаб боришида мустақам алоқага эришдик.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ёшларининг АҚШда таълим олишга бўлган қизиқиши ортиб бораётгани кузатилмоқда. Буни, ўтган ўқув йилида ўзбекистонлик 5750 ўрта мактаб ўқувчиси Америка ҳукумати томонидан молиялаштирилган «Флекс» дастури доирасида АҚШда ўқиш истагини билдиргани билан изоҳлаш мумкин. Улардан 119 нафар ўқувчи танловдан муваффақиятли ўтиб, ҳозирда

Дэн Дэвидсон:

«ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР —  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЛКАН  
САЛОҲИЯТИ»

монд Маски дастурига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар АҚШда икки йил давомида иқтисод, халқаро ҳуқуқ, бизнесни бошқариш, жамоатчи менежмент, журналистика соҳасида ўз билимларини оширадилар. Меҳнатсевар ўзбек мутахассисларининг ўз соҳаларида билимини чуқур эгаллашга бўлган интилишларини

АҚШда таҳсил олмақда ва америкаликлар оиласида яшамоқдалар.

Шунингдек, дипломли мутахассисларни таълим олишлари учун Эд-

алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Ўзбекистонлик инглиз тили ўқитувчилар гуруҳи яқинда АҚШда бўлиб, америкалик ҳамкасблари билан таълим услубини яхшилаш бўйича биргаликда тадқиқотлар ўтказишди.

Ўз навбатида америкалик ёшларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ҳам ўсиб бормоқда. 2003 йилда АКСЕЛС дастури доирасида ўқувчилар, ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилардан иборат 47 америкалик Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон халқини мустақиллигининг 13 йиллиги билан табрикламан. 1992 йилда юртингизнинг ушбу кутлуғ байрамининг бир йиллигини нишонланишида иштирок этган эдим. Утган ўн уч йилда республикада улкан ўзгаришлар бўлган. Истеъдодли ёшлар салоҳиятининг ўсиб боришини юқори баҳолайман. Айтиш мумкинки Ўзбекистон улкан салоҳиятга — иқтидорли ва ақили ёшларга эга мамлакат.

Фарҳод АРЗИЕВ,  
«Жаҳон» АА  
Вашингтон

## Семинарлар

САЙЛОВЛАР ВА  
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Маълумки, шу йил декабрь ойда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига, халқ депутатлари, туман, шаҳар, вилоят кенгашлари сайловлар бўлиб ўтади. Ушбу сайловларда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси фаол қатнашиши, ўзи яшаб турган жамиятдаги сиёсий ўзгаришларга безътибор бўлмаслиги лозимдир.

Яқинда Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг «Маънавий ва маърифат» бўлими ҳамда Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш маркази ташаббуси билан «Сайловлар ва сиёсий партиялар» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, филология фанлари доценти, профессор Баходир Назаров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг доценти, тарих фанлари номзоди Муқимжон Қирғизбоев, сиёсатшунослик фанлари

номзоди, доцент Улутбек Идиров ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал - демократик партиясининг вакиллари иштирок этишиб, институт талабаларига ҳаётимизнинг муҳим сиёсий воқеаси ҳисобланган сайловлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни, сайловларда демократик тамойилларнинг устуворлиги тўғрисида атрофлича, мисоллар билан тушунтириб ўтдилар.

Шунингдек, мазкур илмий-амалий семинарда профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтаришди.

Диана АКБУТАЕВА,  
ЎзДЖТУ 2-курс талабаси

«Болалар таомлари холдинг» компаниясининг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Унинг корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларга қўллаб бу юртмалар олинаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

## Ҳамкорлик

БОЛАЛАРГА  
ТҲЙИМЛИ ТАОМЛАР

Компания корхоналари замонавий технологик жараёнлар билан жиҳозланиши туфайли маҳсулот сифати янада яхшилашиб, турлари ортди. Бунда Россиянинг «Нутритек» компанияси билан ҳамкорлик қўл келмоқда.

Эндиликда мева, сабзавотли, сутли-мева таомлари тайёрлаш лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш

йўлга қўйилмоқда. Компаниялар ҳамкорлиги туфайли болалар таомлари илмий-тиббий марказини очиб тараддули кўрилоқда. Бундай йирик даргоҳ Марказий Осиёда ilk бор Тошкентда фаолият кўрсатади. Бу эса болалар таомларини Европа талаблари даражасида тайёрлаш учун замин ҳозирлайди.

Анвар ВАЛИЕВ



Исон ўзининг узоқ йиллик умри давомида онла, ҳаёт, дўст-ёр, меҳнат каби тушунчаларни чуқур ҳис қилиб бораверар экан. Айниқса, ўз касбига меҳр қўйиб, неча йилда шу касбда садоқат билан ишлаб келаётган инсонлардан доимо ўрнат олсак арзийди.

## Меҳнатидан бахт топганлар

ЗАҲМАТКАШЛИГИ БИЛАН  
КАСБДОШЛАРИГА ЎРНАК

Айтишларича, «Дарахт бир жойда кўкаради», инсон ҳам битта жойда неча йиллаб ишласа, ўрганса, тажриба тўпласа у ҳам вақти келиб, кўкка бўй чўзади, обрў қозонади, кўпнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлади. «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида узоқ йиллардан бери темирчи бўлиб ишлаб келатган Виктор Толстов ҳам ўзининг меҳнатсеварлиги билан кўпнинг ҳурмати қозонган инсонлардандир.

У ҳозирги кунда нафақа ёшида бўлишига қарамай темир парчаларини йиғишда ўзининг фаоллиги, меҳнатда ҳалоллиги билан барчага ўрнат бўлиб келмоқда. Ушбу инсон 2003 йилда 20 тонна темир чиқиндиларини йиғиб давлатга топширишга муваффақ бўлди.

— Барча халқда битта

мақол бор «Инсон меҳнати билан улуг». Ҳалол меҳнат қилсанг, оиланга ҳам барака, ризқ-рўз бўлади. Фарзандларинг ҳам бундан ўрнат олади. Энг муҳими эса кўнглинг хотиржам бўлади, — дейди Виктор Толстов. — Ҳозирда заводда шогирдларим ниҳоятда кўп. Албатта, уларга устозлик қилиш учун ўзингда яхши ҳислат, ўрнат бўлгудек шижоат бўлмас экан ёшларнинг ортиндан эргаштира олмайсан. Меҳнатим орқали бахтимни топдим. Энг муҳими, ҳамма ҳам ўз касбидан фахрлана олиши лозим. Шундагина ишингда унум бўлади.

Албатта, ҳеч бир касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Ўз касбининг фидойиси бўлиш учун эса тинмай меҳнат қилиш керак. Меҳнати орқали эл эътиборига тушган инсонлар доимо эъзозимизда.

Орзугул РУСТАМОВА



Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўтганин  
домо бўлур...**

• Хикоят: Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқатни бир вақтнинг ўзида еб ўтирганини кўрди. Унга:

— Икки овқатни аралаштириб ема, улар қоринида келишолмай жанг пайдо қилади! — деди.

У эса доно табибнинг сўзларига қулоқ солмай ейишда давом этди. Бироқ эртасига у касал бўлиб, оз фурсатда ҳолдан тойдди. Ноилдожликдан бир кун аввал насихатига қулоқ солмаган табибга одам юборишга мажбур бўлди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганмидим, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди деб, — дея унга таъна қилди.

У деди:

— Йўқ, сенинг гапинг бироз нотўғри, улар келишиб олишиди, мени оёқдан қулатиш мақсадида иш олиб боришмоқда, деб алам билан жавоб берди.

• Ошиқдан сўрадилар: — Дунёда ошқ учун энг оғир укубат нима?

У жавоб берди:

— Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!

• Ақли одамнинг ўзини мақташдан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса мақтанган бўлади, бордию бунинг акси бўлиб ёлгон бўлса, барча-нинг олдида қадри кетади.

• Билгинки, нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга ўхшайди. Кимки унга билиб, билмай минса у албатта хор қилади. Кимки унга яқинлаша тўғри йўлдан оздиради.

• Ҳамма вақт ҳам ишга киришиш ўйланиб ўтиргандан яхши. Фафлатда қолиш эса кучли душмандан ҳам баттарроқдир!

• Мард билан улфат бўлган мардликка етади. Номардга яқин юрган киши гаждан чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

• Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга.

Кўполликни ташлаб, лутфингни кўрсат,

Токи чўп тушмагай соғлом кўзингга.

Бировнинг гийбатин қилмагин асло,

Ночорлик боқмагай нурли юзингга.

Ҳар кимга юмшоқ сўз гапиролмасанг,

Заҳар кўймай гапир хар бир сўзингга.

• **ҲИҚМАТ:** Ҳақимларнинг ҳиқматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

**Байт:** Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда, Ундан баттар нима?

Биласанми ҳеч? Ёмон улфат билан

яшамоқ эрур, Бундай кишилардан

узоқ юру кеч!

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўзбек халқ чолгулари кафедраси профессори, «Сайқал» гижжакчи талабалар камер оркестри раҳбари Мурод Тошмухамедов қарийб 50 йилдири, гижжак билан ошно. У гижжак созида дастлабки сабоқни республика болалар саройида А.Одилов ва С.Жалилдан, Глиэр номидаги махсус мусика мактабида профессор Я.Сабзанов ҳамда консерваторияда О.Холмухамедовлардан олди. Шунингдек, У.Хурсанов, Ф.Мирусмонов, Б.Вальберглар сабоғи ва меҳридан ҳам баҳраманд бўлди.

1961 йилдан то шу кунларгача ҳам консерваторияда гижжак ва гижжак-альт созида дарс бериб, кўплаб ёш созандаларни тарбиялаб келмоқда. Тиниб-тинчимас устоз 1994, 1995, 1997, 1998, 2001 йилларда ўтказилган «Гижжак мусиқаси» фестивалларида «Сайқал» гижжакчи талабалар камер оркестри билан иштирок этиб, санъатсеварлар назарига тушган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон Дадаев, Абдулла Шомарупов («Нола» гуруҳи), халқаро ва республика танловларининг лауреати, доцент Қахрамон Назировлар устоз М.Тошмухамедовдан чекисиз миннатдор. Моҳир созанда ва дирижёр М. Тошмухамедовнинг «Гижжак наволари», «Гижжак дарслиги», «Гижжакда аънавий ижрочиликни ўзлаштириш», «Гижжак-альт» номли ўқув-методик қўлланмалари аънавий ижрочиликни ўзлаштиришда кўл келиб, ундан мусика мактаблари, ўрта ва олий санъат билим юрталари, консерватория талаба ҳамда ўқитувчилари фойдаланиб келмоқдалар.

Устоз билан суҳбатлашар эканмиз, у кўпроқ гижжак

ҳақида сўзлади:

— Гижжакнинг келиб чиқиши X-XI асрларга тўғри келади. Бу хусусда қизиқарли маълумот бор. «Зийнат ал-мажалиси» («Зийнатларнинг мажлиси»)да ҳикоя қилинишича, Форобий

тортиб, юқори ижрочилик маҳоратини намойиш этган.

Устоз Зайтуни-гижжакчи эса мақомнинг турли пардаларида чиرويли куй-пешравлар басталаган. Навоий эса гижжакни «Учўзиқ нола» чекиб, ёлбора-

рога хос турли безаклар — нола, қочирим, молиш, кашилардан фойдаланиб, мусиқанинг таъсирчан, ифодали, сержило, жонли бўлиб садоланишини таъминлайди. Унинг ижросидаги М.Бафоров қайта ишлаган ўзбек мумтоз куйи «Тановор»ни тинглаб, «сел» бўласиз, гижжак ноласидан ҳайратга тушасиз. Унинг гижжак-альт учун мослаштирган «Рақс» («Зайнаб ва Омон» операсидан), «Найрез» (тожик халқ куйи), «Норим-норим», «Ораз-бон» (Хоразм халқ куйи), «Шарқона рақс» («Лайли ва Мажнун» операсидан), «Чаман ялла», «Испанча серенада», «Шарқ фантазияси» куйлари «Гижжак-альт» дарслигига ноталари билан киритилган ҳамда дарсликнинг методик қисмида ижро малакалари, мусиқадаги сурбат (темп) турлари, безак (мелизм)лар ҳақида тушунчалар берилган.

Меҳр ва муруват йилига бағишлаб Ўзбекистон Давлат консерваториясида М.Тошмухамедов меҳнат ва иходий фаолиятининг 45 йиллигига атаб ўтказилган катта шогирдлари шундай маҳорат кўрсатишдики, диллар қувнаб, устоз меҳнатлари бесамар кетмаганига гувоҳ бўлди. «Нола» гуруҳининг қойиллатиб ижро этилган «Мастана бўлдим», «Парвона қилгин», «Бир Оллоҳим», А.Дадаевнинг «Онам», «Умидим қолди», «Меҳрибонимга» каби ўзбек халқ кўшиги ва куйлари, талабаларнинг «Лўлилар тарони», «Каприз», «Вальс фантазия»лари фикримиз далилидир.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**  
**Гулўз ОРИФЖОНОВА,**  
**СУРАТДА:** Мурод Тошмухамедов дирижёрлик қилмоқда.

*Сақвайнинг сехри олами*

**ГИЖЖАК НОЛА ҚИЛГАНДА...**

**Дарҳақиқат, куй шундай кучга эгаки, истаса у ҳазин нола-лари билан сизни йиғлатиб, кўнглингизни юмшатади, истаса қувноқ оҳанги билан кайфиятингизни кўтариб, дилингизни яйратади. Айниқса, миллий чолгуларимиздан гижжак наво-сига мафтун бўлмаган инсон топилмаса керак.**



Рай шахрида Соҳиб ибн Аббод қабулида бўлганида, вазир шарафига ўтказилган зийфатда ўзи ихтиро қилган чолғуда куй ижро этади. Ташқи кўринишдан кичик қовоққа ўхшаган бу соз «ғилчак» номи билан танилган бўлиб, Форобий бу чолғуда уч қисми куй ижро этиб, машваратдагиларни ҳам йиғлатган, ҳам қулдирган, ҳам хаяжонга, хайратга солган экан. Гижжак аввал 2 торли, Бобур замонидан уч торли бўлган. «Бобурнома»да ёзилшича, ўша давр созандаси Қулмухаммад-Удий гижжакка учинчи торни

ди», деб таърифлайди. Сўнги йилларда эса гижжак оиласига мансуб бир неча янги созлар: гижжак-альт, гижжак-бас ва гижжак-контрабас яратилиб, гижжак ансамбллари (квартет, камер оркестр) пайдо бўла бошлади; гижжак нота йўлидаги ижрочиликка мосланди.

1971 йилдан бери ўқув юрталарида гижжак-альт синфи ҳам очилиб, республика миқёсидаги танловда гижжак-альтчи созандалар ҳам қатнашиб келмоқда.

Профессор Мурод Тошмухамедов гижжакда аънавий иж-

*Божхона*

**ОВИ ЮРМАГАН «УДДАБУРОН»ЛАР**

«Тошкент Аэро» ихтисослаштирилган боғжона комплекси ходимлари мамлакатимиз ҳудудидан ноқонуний равишда хорижий валюталарни олиб чиқиб кетиш ва олиб киришга ҳаракат қилаётган қонунбузарлардан жорий йилнинг шу даврига қадар 131 минг 405 АҚШ долларини тўхташиб қолишиди

Ақсарият қонунбузарлик ҳолатлари қонун-қоидаларда белгиланган тартибларга риоя қилмаслиги ва қонунларимизга бепарволик оқибатида келиб чиқмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 7 майда рўйхатдан нўтган «Жисмоний шахслар томонидан ақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида»ги йўриқномада Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишда резидентларга 2000 АҚШ доллари миқдор доирасида бўлса рўхсатнома олмасдан, ушбу сумма миқдоридан ортиқча бўлса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рўхсатномаси орқали валюта олиб чиқиш амалга оширилади. Республикаимиз ҳудудига нақд хорижий валютани олиб кириш барча тоифадаги шахслар учун чекланмаган. Боғжона чегараси орқали резидент ва норезидентлар томонидан олиб кирилатган ва олиб чиқилаётган хорижий валюта махсус шаклдаги боғжона декларациясида кўрсатилиши шарт. Норезидентлар учун эса боғжона декларациясига мувофиқ республикаимизга келтирилган суммаси миқдоридан валюта олиб чиқишлари белгилана қўйилган. Республикаимизга олиб киришдаги боғжона декларациясида белгиланган суммалардан ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар рўхсатномаси билан амалга оширилиши белгилана қўйилган.

Мана бу шахслар ҳам ушбу қонун-қоида талабларидан келиб чиққан ҳолда иш

юртганларида ўзларига ортиқча ташвиш орттиришмасди. «Тошкент Аэро» ихтисослаштирилган боғжона комплексининг 1-боғжона пости ва Контрабанда ва боғжона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари «Тошкент-Москва» йўналиши бўйлаб учиб кетаётган фуқароларни боғжона назоратидан ўтказиш вақтида юртдошимиз В.Яковлевичнинг ўйлаб топган найрангини пучга чиқарди. Боғжона чегарасидан ўтаётган бу фуқаро қонун-қоидаларни четлаб ўтмоқчи бўлибди. Боғжона ходимларининг оғзаки сўровларидан тўғри хулоса чиқариб олмасдан 4000 АҚШ долларини кийиб юрган икки пайпоғи орасига яшириб олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилганлиги аниқланди.

«Тошкент — Новосибирск» йўналишида учушга ҳаракат қилаётган фуқаро В.Петровичнинг ҳам боғжона назоратидан ўтиш вақтида қилмиши аён бўлди. У боғжона баённомасида кўрсатилмаган 1700 АҚШ долларини кийимлари орасига яшириб олиб кетишга ҳаракат қилганида тўхтатилди.

Яна бир ҳолатда «Тошкент-Москва» йўналишидаги йўловчиларни боғжона кўрғиндан ўтказиш вақтида Ҳ.Алиев ҳам боғжона баённомасини тўлдириб, ёнидаги 1100 АҚШ долларини ёзмадан дастур-молчасига ўраб чўнтагида олиб чиқишга уринган экан.

Ушбу қонунбузарлар била туриб ўзларига ортиқча ташвиш орттирмасдан, боғжона қонун-қоидалари асосида иш юритганларида афсусда қолишмасди.

**Нурбек МУСТАФОЕВ,**  
**Давлат боғжона кўмитаси Матбуот бўлими инспектори.**

**Шифобахш**

**Ғисматликлар**

**ЎРИК**

Ўрик меъда учун шафтолидан кўра мувофиқроқдир. Туршак суви ташналикни қондиради. Совуқ мижозли кишилар эса ўрикни тоза асал билан ейишлари керак.

Ивитилган туршак иситмаларга фойда қилади.

**ШАФТОЛИ**

Пишган шафтоли меъда учун яхши бўлиб, унда овқатга иштаха тугдириш хусусияти бор. Аммо шафтолини овқат устига ейиш керак эмас, чунки уни бузади ва ўзи ҳам бузилади, шунинг учун уни овқатдан илгари ейиш керак. Қуритилган шафтоли кеч ҳазм бўлади ва озиклиги кўп бўлса ҳам, яхши озик эмас.

Шафтолининг баргидан олинган суви қулоққа томизилса қуртларни ўлдиради, унинг ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқларида фойда қилади.

**ШОТУТ**

Оғиз ва томоқ шишларини қайтаради, унинг барги эса томоқнинг икки томонидан чиққан шишларга ва томоқ оғриқларига қарши ишлатилса фойдалидир.

Баргининг суви билан оғиз чайқалса, тиш оғриғига фойда қилади.

Тутнинг ҳамма хилини ҳам овқатдан илгари ейиш керак, шунда улардан меъдага зарар етмайди.

Шотутнинг овқатлилиги кам, аммо у овқатга иштаха очади, овқатни тез ўтказади ва тез чиқаради. Тутнинг ҳамма хиллари ҳам сийдикни ҳайдовчидир.

Агар тут, ток ва қора анжирнинг барглари ёмғир сувидан қайнатиб ишлатилса, сочи қорайтиради.

**ЛИМОН**

Сиқиб олинган суви рангни тоза қилиб, сепкилни кеткази. Қайнатмаса оғиз хидланишини кеткази, семиртиради. Қобигини оғизда тутиб турилса ҳам хидни кеткази.

Қобигини кийимга қўйилса, қуя тушишдан сақлайди. Сиқиб олинган сувини темирликка суртиш фойдалидир.

Ёғи асабнинг бўшашганида фойдалидир. Ёғи қобиғидан ҳам олинади ва у фалажга фойда қилади.

Сиқиб олинган сувини кўзга суртилса кўздаги сарикни кеткази.

Япроғи меъда ва ички аъзоларни кучли қилади. Япроғидан кейинги ўринда очилган гули туради. Қобиги доривор сифатида овқатга солинса, ҳазмга ёрдам беради. Қайнатмаса қусишни тўхтатади, қуюқ шираси, яъни сиқиб олинган сувининг қуюлтирилгани меъдани тоза қилади. Сиқиб олинган суви сарик касалида фойдалидир. Иштахани очади. Кетидан ёки олдидан бирор таом ейилмасин.

**Махнаб**

**РУСТАМ ЯНА ФОЛИБ!**

Икки ой муқаддам Ливия пойтахти Триполи шаҳрида жаҳон шахмат тожини кийган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов халқаро турнирларда зафарли одимларини давом эттирмоқда.

Жумладан, у Хиндистоннинг Пуна шаҳрида ташкил этилган шахмат бўйича «Пуна Интернэйшнл» супертурнирида муваффақиятли қатнашди.

Дунёнинг энг кучли ўн гроссмейстери иштирок этган турнирда тўққиз имкониятдан олти очко жамғарган Р.Қосимжонов руминиялик

Ливюдитер Нисепяну билан бирга биринчи ўринни эгаллади.

Айни пайтда Р.Қосимжонов жорий йилнинг октябрь ойида Испанияда ташкил этиладиган жаҳон шахмат олимпиадасига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

**Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,**  
ЎЗА мухбири



Келагагимиз чемпионлари

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

*Ҳурматли маҳаллий ва хорижий ишбилармон, тадбиркор жаноблар!*

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига мувофиқ, Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлайтган, иктисодий ночор давлат корхоналари ва активларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан инвесторларга бепул бериш бўйича танлов савдоларини эълон қилади.

Танлов ўтказиш саналари: 2004 йил 12 ва 26 октябрь, 9 ва 23 ноябрь, 7 ва 21 декабрь.  
Танлов савдолари соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.  
Танлов савдоси **ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ** томонидан ўтказилади.

**ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:**

- Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатларнинг тақдим этилиши талаб этилади:
1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгаллигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хати).
  2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
  3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).
- Ушбу ҳужжатлар ва таклифлар танлов савдоси кунидан уч кун аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.
- Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.
- Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин:**  
Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

**1. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат корхоналари**

**РЎЙХАТИ**

№	Корхона номи	Манзили	Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси таклифлари			
			Бепул бериш тартиби бўйича (мулкый мажмуа сифатида, тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сакламаслик шарти билан)	Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми ** (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7
1	«Ўзбектранс-қурилыш» давлат уюшмаси таркибидagi «Тошкент тажриба таъмирланган механика заводи»	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 2-А-уй	мулкый мажмуа сифатида, тўлиқлигича	Фаолият турини сақлаб қолиш	300,0	2
2	22-иктисос-лаштирилган механизациялашган кўча колония (СПМК-22)	Якқосарой тумани, Муқийнинг кўчаси, 3-уй	мулкый мажмуа сифатида, тўлиқлигича	Фаолият турини сақлаб қолиш	250,0	2

**2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активлари**

**РЎЙХАТИ**

№	Корхона номи	Манзили	Низом жамғармасидagi давлат актини, %		Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси таклифлари			
			Жами	Шу жумладан давлат улуши	Бепул бериш тартиби бўйича (мулкый мажмуа сифатида, тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сакламаслик шарти билан)**	Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми** (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	«Маданият галереяси» ОАЖ	Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, Проектная кўчаси, 14А-уй	90	25	давлат активларини сотиш	Фаолият турини сақлаб қолиш	75	1
2	«Уздонмаҳсулот ахборот асосидаги марказ» ОАЖ	Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй	50	25	давлат активларини сотиш	Фаолият турини сақлаб қолиш	30	1
3	«Ўзбекистон Республикаси видеомеркази» МЧЖ	Чиланзор тумани, Чиланзор кўчаси, 2-А-уй	93,19	93,19	давлат активларини сотиш	Фаолият турини сақлаб қолиш	5	0,5

**Изоҳ:**

\* Фаолият турини ўзгартириш масаласи жамият акционерлари (таъсисчилари) қарорига кўра қабул қилинади.

\*\* Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

## Спорт

ҚИЗИҚАРЛИ  
УЧРАШУВ

Шахмат мухлислари ўз улкан зафари билан жаҳонни лол қолдирган Рустам Қосимжонов ортдан тез орада С.Зайниддинов заиф эшитувчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлганини яхши билишади.

IREX имконияти чекланган кишилар марказида шахмат бўйича заиф эшитувчилар ўртасида жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддинов билан қизиқарли учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида 14 ёшли жаҳон чемпионининг мураббийси Савронбек Зайниддинов Германиянинг Маленте шаҳрида 28 мамлакатдан ташриф буюрган кучли шахматчилар ўртасида бўлиб ўтган бетактор беллашувлар таассуротлари хусусида тўхталиб ўтди.

Мухлислар жаҳон чемпионининг энг чиройли ўйинлари, чемпионликка олиб келган омиллар хусусида мириқиб тинглашди. Ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

«Квадер» гуруҳининг чиқиши учрашувга янада фойз киритди.

БОКСЧИЛАРИ-  
МИЗГА ОМАД  
ТИЛАЙМИЗ

Энг чиройли ва шиддатли бокс беллашувлари албатта профессионаллар ўртасида ўтказилишини ишқибозлар яхши билишади. Илгарилари Мухаммад Али, Жорж Формен, Майк Тайсон, Майкл Спинкс каби маҳоратга бой профессионал чарм кўлқоп усталари ўйинларини зўр қизиқиш билан кузатган бўлса, Мустанкилик юртимиздан ҳам кучли профессионаллар етиштириб чиқишига имкон яратди.

Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлиб очган шарафли йўл сари ҳозирда Мухаммад-кодир Абдуллаев, Руслан Чагаев ва бошқа боксчиларимиз илдам боришмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, яқин кунлар ичида профессионалларимиз рингда навбатдаги «жанг»ларини ўтказишади. Жумладан хаваскорлар ўртасида 2 карра жаҳон чемпиони бўлган иқтидорли чарм кўлқоп устамиз Руслан Чагаев 21 сентябрда беллашув ўтказса, ордан уч кун ўтган, ёш, умидли профессионалимиз Кахрамон Нарзиқулов ҳам ўзининг тўққизинчи баҳсида иштирок этади. Биз ҳар иккала боксчимизга омад тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Педиатрия илмий-текшириш институти ва унинг клиникаси жамоалари институтнинг бўлими раҳбари, профессор Абдумалик Нигматович Ариповга волидаи муҳтарамаси

Муқаддам ая  
АРИПОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хар қалай биз жамиятдан мутлақо йироқда, тараққийлаётган улзилган узоқ оролда яшаётган Робинзон Крузо эмасмиз. Демак, жамиятда яшар эканмиз, унинг қонун-қоидаларига ҳам бўйсунимиз шарт. Истаимизми йўқми бир умр фақат ўзини эътиборга олиш ва сизни эътиборга олиш билан даврасида яшай олмайсиз. Кўпгина ҳолларда таъбингизга ёқмайдиган одам билан муомала қилишга тўғри келади. Бу ҳолда бироз муомаладан ташқил яхшилаш фойда беришини ўзингиз ҳам яхши тушуниб турибсиз, аммо буни эплэй олишга кўзингиз етмайпти.

Агар инсонлар ўртасидаги келишмовчилик бир томонлама бўлганида, улар ўртасидаги низолар тезда барҳам топган бўлар эди, дейилган фикр ҳақиқатан ҳам тўғри. Қарс икки кўлдан чиққанидек кишилар муомаласидаги келишмовчилик ҳам икки томонлама бўлгани учун музокарага келиш анча қийин бўлади. «Муро-саю мадора» деган яхши таъбирни четга суриб ўзимизнинг ҳам, ўзгаларнинг ҳам асабини қайраб ҳузурланамизу охири нима билан туғашини ўйлаб ҳам ўйрмаймиз. Гоҳида айрим келишмовчиликлар туфайли асабимиз билан бир қаторда кўнрагимизни ҳам қақшатиб қўямиз. Яқинда зарурат юзасидан ул-бул харид қилиш мақсадида «Чилонзор буюм бозори»га тушганимда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Одамлар гаёжум, сершоқини. Бозорда минглаб юз-кўзларни кўриб бошинг гангиди. Кимни ким турган, ким билан ким савдолашган, «бакир-чакир» бозорда одмигина кийинган эр-хотин билан олдинма-кетин юриб савдолашмига тўғри келиб қолди. Тиқилинча на улардан олдинга ўтиб кета оласан, на орқада қолиб бўлади. Шунда олдиндаги ҳамроҳларим бир растанинг

ёнида тўхташиб, юқорида осийлиқ турган қос-тюк-шимнинг нархини сўради. «Димоғидан курт ёғилган» сотувчи — «ўзи оласизларми, ё эрмак учун сўраб юрибсизларми», дея белисандик билан ёнидаги шеригига маъноли кулиб қўйди. Бундан бироз хижолат бўлган харидор аёлига секин қараб, «кетдик» ишо-

ракол, кийиб кўрсинларчи», — деб ўзи ҳам эпчиллик билан ўрдидан туриб шеригига ёрдамлаша бошлади.

Ўлчамли харидорга куйиб қўйгандек мос келганидан хурсанд сотувчи, хўш, размери фирт ўзингизники, ранги ҳам сизга тушди. Бизни овера қилиб қуйиб костюмни ташлаб кетмасиз, — деди.

ларни санаб шартта сотувчи олдига ташлади.

— Э, бу бошқа гап, айтмайсизми оламан деб. Пакетини ол, яхшилаб ўраб бер, ўзи сизга қуйиб қўйгандек келди-да, — деди бирдан тусланиб сотувчи йигит.

Бу ҳолатдан нима қилишини билмай анграиб қолган харидорнинг хотини эрининг бу қилигидан ўзини кўярга жой тополмай қотиб қолди. Аёл кишининг ҳолати менга ҳам кўчиб зимдан унинг эрига тикилдим. Ҳаёт қийинчиликларидан пешонасига узук-юлук ажинлар тушган бу кишининг юзларида ҳеч тасвирлаб бўлмайдиган қандайдир бир алам, газаб, ачинош, гурур, гам-ташвиш кўлқалари бирин-кетин пайдо бўлди, кўринишидан айтиб дамда унинг оёқлари ўзига зўрга бўйсунмаётгандек эди.

Барча йигиб-тўрганини яқинда мактабга борадиган болалари учун кийим-кечак, ўқув қуроллари, яна рўзгорга керакли бошқа нарсалар олиш учун келган бу эр-хотиннинг чўнтагида айтиб дамда фақат уйларига «етиб олиш учун пуллари қолган бўлса» деган ўйда уларнинг ортдан қараб қолдим. Яқинда ёнгинамда бўлган ҳамроҳларимнинг энди узокдан қоралари кўринар эди. Зўрга одимлаётган хотин эрига нималарнидир тушунтириб, хар гапирганда эрининг қўлидаги ўроғлиқ ўша костюмни силтаб-силтаб ташлар эди.

Кўпол муомала билан соддадил, гурурли одамларнинг асабий тарзда пулини шиллаётган сотувчиларнинг яна бир галабини нишонлаш ниятида узокдан ичимликлар сотиб келадиган кишидан нималарнидир бақариб сўрашаётгани энди қулгоғимга кирмас, фақат узокдан қадди букчайиб бораётган эр-хотиннинг қоралари кўринарди, холос.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Ортагул РУСТАМОВА

## Қўнқинг келганига

КИШИ ДАРДИНИ КИШИ  
ОЛАДИМИ?..

«Одамларнинг ўзаро муносабати енгил эмас, унинг оғирлиги кўпларни букиб қўяди», — деб айтилган доно фикрни мақоламизга кириш сўз қилиб олганимизга сиз газетхон унчалик ўйлиниб қолманг. Тўғри-да, ҳар кунги биз кўча-кўйда юзлаб, минглаб чеҳраларга дуч келамиз, айримлари бизнинг танишимиз бўлса қолганлари бегоналар бўлишига қарамай биз ўша қолганлари билан ҳам қайсидаир маънода муомала қилишга мажбуримиз. «Киши дардини киши олар», деган нақлга бироз ўзгартириш киритиб айтадиган бўлсак, киши дардини қўлайтирдиган ҳам ўша кишилар эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

расини қилди.

— Ана айтдимку, ўзларининг олиш ниятлари йўғу, нархини сўрагани ошиқча, — дея сотувчи орқадан яна илмоқли гап ташлади.

— Ахир ўзингиз нархини айтинг, ундан кейин... — дея олди асабийлашган харидор. Унинг хотини ҳам бу гапга бешини иргитиб қўйди.

— Оладиган одамга нархи эмас, товарнинг ўзи қизиқ, олмайсизми бошни қотириб нима қиласиз, — деди сотувчи йигит яна осмондан келиб. Азбаройи сотувчининг паст назар билан қилган муомаласи, истеҳзоли қилишлари жонидан ўтиб кетган харидор энди чиндан ҳам асабийлашиб, «узатинг, қани кийиб кўрай, тўғри келса оламан», — деди. Сотувчи йигит ёнидаги шеригига маъноли қош учириб, «обе-

— Нархи қанча? — деди харидор ҳам асабийлашган ҳолда.

— Сизга 75 минг деймиз, бўларин шу, — деди сотувчи йигитнинг шериги.

Харидорнинг юзидаги ўзгартириш сезган сотувчи йигит «нима, кийишга кийиб қўйиб ташлаб кетмоқчимиз, ўзи авзойингиздан билувдим эрмак қилаётганингизни, нима бизни бекорчи деб ўйлайдими, булар», — дея кўпчилик эшитсин учун овозини янада баландлатди. Атрофдан бирин-кетин ўтаётган одамлар янги костюмни устига илиб олган харидорга қараб-қараб қўйишарди. Ўзини кўпчилик олдида мулазам қилаётган сотувчининг оғзини ёпиш мақсадида харидор хотинининг қўлидаги сумкани тортиб олиб қоғозга ўралган пул-

## Ўқибол

ЧИРОЙЛИ ЎЙИН  
КЎРСАТИШДИ

Мустанкилик йилларида эртамининг муносиб издошлари бўлган ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб воғга етишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан бу йўлда Тошкент шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ички ишлар бош бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Футбол федерацияси, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кўмаги ҳамда ҳамкорлигида «Футболимиз келажаги» турнири ўтказилгандан хабарингиз бор.

Кунги кеча шаҳримиздаги марказий «Пахтакор» стадионида турнирнинг 9-10 ёш тоифасидаги болалар ўртасида шаҳар босқичининг финал беллашуви бўлиб ўтди.

Унда А.Икромов туманининг «Бешқайрағоч» ва Сергели туманининг «Ёшлик» маҳалласи футбол жамоалари ўзаро куч синашишди.

Қизгин курашлар остида ўтган учрашувда бешқайрағочлик футболчиларнинг кўллари баланд келди: 3:0.

Шундай қилиб ўйин натижаларига кўра «Бешқайрағоч» маҳалласи биринчи, сергелилик ёш футболчилар иккинчи, Юнусобод тумани «Шодлик» маҳалла жамоаси учинчи ўринларни эгаллашди.

Финал мусобақаси якунида қолиб ва совриндорларга Тошкент шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг кўма кубоғи, эсдалик совгалари топширилди.

Хумоюн АЛИЕВ.

Жорий йилги мамлакат XIII миллий чемпионатида шахримий шарафини химоя қилаётган Абрамов бош мураббийлигидаги «Трактор» жамоаси мухлисларига ажайиб галабаларни тухфа этмоқда.

«ТРАКТОР»НИНГ  
ФАЛАБАСИ

## ЎТГАН КУНИ

бўлиб ўтган 17-тур беллашувларида ҳам тракторчиларга омад кулиб боқди. Ўз майдонларида «Бухоро» жамоаси билан куч синашган Абрамов шогирдлари ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш қилишиб ушбу баҳсга жиддий ҳозирлик кўришганини намойиш этишди. «Трактор»нинг ус-тулигида кечган ўйин 2:1 ҳисобида мезбонларнинг галабаси билан якунланди. Дарвозаларга тўпларни «Трактор»дан Раҳимов 23-, Мўминжонов 41-, «Бухоро»дан Юсупов 87- дақиқалар-

да йўллашди.

Ушбу турнир «Локомотив» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида август ойида ўтказилган беллашувда пахтакорчилар йирик 4:0 ҳисобида галаба қозонишганди.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Сўғдиёна» — 2:3, «Навбахор» — «Самарқанд — Динамо» — 2:0, «Қизилқум» — «Металлург» — 1:0, «Сурхон» — «Машъал» — 3:1, «Анджон» — «Нефтчи» — 2:3.

Миллий чемпионатнинг 18-тур учрашувлари 18 сентябрда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70,  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 боёма табоқ објект  
усули билан.  
2812 йилда босилди. Қоғоз бېғини А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар  
жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент  
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.